

Ҳадис 187-дарс. Ислом шариатига зид бўлган ишларни қилмаслик



19:00 / 15.06.2022 4084

(иккинчи мақола)

Фарз икки қисмга бўлинади.

Биринчиси – фарзи айн.

Иккинчиси – фарзи кифоя.

Фарзи айн ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган ишдир. Уни бир одам учун бошқа одам адо эта олмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Балоғатга етган ҳар бир мўмин беш вақт намозни ўқиши фарзи айндир. Ўқимаган одам эса гуноҳкор бўлади.

Фарзи кифоя эса баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун ҳам кифоя қиладиган ишдир. Бунга жаноза намозини мисол қилиш мумкин. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб, кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо фарзи кифоя бўлганлиги учун жанозани баъзи мусулмонлар ўқиса, кифоя қилади. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида фарзнинг иккала қисми ҳам ишга тушади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керакли, ҳаёти учун зарур бўлган илмни, дийну диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиш, бунинг учун зарур бўлган нарсаларни ўрганиш фарзи айндыр. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт, қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

Мусулмонлар жамоаси учун керакли бўлган ҳунар ва илмларни талаб қилиш эса фарзи кифоядыр. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида етарли мутахассисларни тайёрлаб олиш Ислом жамиятининг барча аъзоларига фарз бўлади. Эҳтиёжни қондирадиган даражада ва ададда мутахассис тайёрлаган жамият аъзолари бўйнидан мазкур умумий масъулият соқит бўлади.

Бу фарз энди ўша мутахассислар зиммасига ўтади. Агар жамиятда уларнинг соҳаси бўйича камчилик юзага келса, гуноҳи ўша мутахассисларга бўлади.

Мана, илм талаб қилишнинг фарзлиги Ислом дийни бўйича қандай эканлигини тушуниб олдик. Энди бу фарз ҳаётимизда қандай ҳолатда эканлигини мулоҳаза қилайлик. Кўпчилигимиз ўзимиз учун керак бўлган дийний мажбуриятларимизни яхши билмаймиз. Қуръон ўқиш, намоз ўқиш ва бошқа фарз, вожиб, суннат амалларни ўрганишга жаҳд қилмаймиз. Ҳолбуки, бу ишлар ҳар бир мусулмон учун фарзи айндыр.

Шунингдек, фарзи кифоя бўлган илмлар борасида ҳам нуқсонларимиз жуда кўп. Кўплаб муҳим соҳаларда ўз мутахассисларимиз етишмайди. Бу соҳада бошқа дийн ва миллат вакилларига муҳтожмиз. Бунинг устига, ушбу катта камчиликларимизни тугатиб, исломий бурчни адо этишга ҳаракат ҳам қилмаяпмиз.

(Тамом)

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди